


ISSN 2010-720X



ILIM
HA'M
JAMIVET



2011 (№1-2)

**A'jiniyaz atındag'ı No'kis Ma'mleketlik
pedagogikalıq institutı**

«İLİM ha'm JA'MIVET»

İlimiy, ilimiy-metodikalıq jurnal

**Ajiniyoz nomidagi Nukus Davlat
pedagogika instituti**

«FAN va JAMIVAT»

İlimiy, ilimiy-uslubiy jurnali

**Нукусский Государственный педагогический
институт имени Ажинияза**

«НАУКА и ОБЩЕСТВО»

Научный, научно-методический журнал

№ 1-2

2011

**Sho'lkemlestirivshi: A'jiniyaz atundag'ı No'kis ma'mleketlik
pedagogikalıq instituti**

Bas redaktor: M.Q.Berdimuratov
Bas redaktordın' ornbasarı: A.Sultanov
Juwaplı xatker: Sh.Ayapov

Redkollegiya ag'zaları

Abdullaev M. — Filologiya ilimlerinin' kandidati
Allamuratov B. — Biologiya ilimlerinin' doktori
Bazarbaev J. — Filosofiya ilimlerinin' doktori, O'z.R.İ.A akademigi
Baxiev A. — Biologiya ilimlerinin' doktori, O'z.R.İ.A akademigi
Dospanov O. — Filologiya ilimlerinin' doktori
Mambetullaev M. — Tariyx ilimlerinin' doktori
Qudaybergenov K. — Fizika-matematika ilimlerinin' doktori
Qurambaev K. — Filologiya ilimlerinin' doktori
Qoshanov Q. — Filologiya ilimlerinin' kandidati
Orazımbetova G. — Texnika ilimlerinin' kandidati
Umarov E. — Geografiya ilimlerinin' doktori
Pazılov A. — Pedagogika ilimlerinin' kandidati
Paxratdinov A'. — Filologiya ilimlerinin' doktori
Sarıbaev M. — Tariyx ilimlerinin' doktori
Tagaev M. — Fizika-matematika ilimlerinin' doktori
Xojalepesov P. — Ekonomika ilimlerinin' kandidati

**Qaraqalpaqstan Respublikası Baspa so'z ha'm xabar agentligi ta'repinen dizimge alınıp,
01-043-sanlı guwahıq berilgen.**

**O'zbekstan Respublikası Joqarı Attestatsiya Komissiyası kollegiyasının' 2003-jıl 25-dekabr
ku'ngi 100/4-sanlı Qararı menen ilimiy jurnal dizimine kirgizilgen.**

Jurnal 1992-jıldan shıg'a basladı. ISSN 2010-720X.
İndeksi: Jeke puqaralar ushın — 2101.
Mekemeler ushın — 2102

Redaktsiya ma'nzili:
No'kis qalası, A.Dosnazarov ko'shesi 104,
İndeks: 230100
Telefon: 2228285

**Maqalalardag'ı turmıs haqıyqatlıg'ına avtorlar juwapker, olardıń pikirleri redaktsiyanın' pikirleri bolıp
esaplanbaydı. Jurnalg'a jıl dawamında jazılğ'an avtorlardın' miynetleri birinshi gezekte ja'riyalanadı. Maqala
ko'lemi 5 betten aspaı kerek. Jurnaldın' basılıw sapasına JSHJ «No'kis poligrafkombinatı» juwapker.**

Tex redaktor: D. Dagarova
Verstkag'a tayarlag'an: Z. Oksikbaeva

Qarap shıg'arg'anlar: Q. Saparov
M. Allambergenov
M. Kamolova

Basıwğ'a ruxsat etildi: 26.04.2011-j.
Buyırta №108. Format 60x84 1/8 Ko'lemi 16,0 b/t Nusqası 850 dana
JSHJ «No'kis poligrafkombinatı», Qaraqalpaqstan ko'shesi, 9

Туркий халқлар орасида эндиликда ижтимоий-иқтисодий ва маданий алоқалар тобора ривожланаётган ҳамда бу алоқаларнинг тарихий, ижтимоий-сўбсий, маънавий омиллари нисмалардан иборат эканлигини англашга интилиш тамойили авж олган ҳозирги даврда қардош халқлар маданий меросини ўрганиш ва ўзлаштиришга интилиш янада кучаймоқда. Бинобарин, мазкур эпосни таржима қилишда тўйланган ижодий тажрибаларни илмий тадқиқ этиш ҳамда назарий умумлаштириш туркий тиллардан қолдаги таржималар ва таржимачилик амалиётини янада юксалтириш нуқтан назардан ниҳоятда муҳимдир.

Англашилганики, қорақалпоқ халқининг маданий-маърифий мулки бўлган халқ достонлари ҳақида сўз кетганда бу жараёнларни четлаб ўтиш мумкин эмас.

Чунки, аксарият географик номлардан тортиб, достон сюжети, ғоявий мазмуни, композицияси ва тили масалаларига диққат қилинса, айнан шу жараёнлар таъсирини сезиш унчалик кийин эмас.

Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, «Қирк қиз» достони композицияси жиҳатидан ҳам анъанавийлик доирасидан чиқмайди. Бу ҳол қуйидаги анъанавий мотивларда кўзга ташланади: (Бефарзанд отанинг фарзанд тилаши, йигитнинг ғайритабиий равишда бўй етиши, унинг қиз излаб йўлга чиқиши, йўлда турли қийинчиликларга дучор бўлиши, хомий кишининг ёрдамга келиши, йигитнинг қурашда қаҳрамонлик кўрсатиши, яккама-якка жангда иштирок қилиши, барча ҳаракатларда ғолиб чиқиши ва севгилиси билан мурур мақсадига етиши ва ҳоказо).

Бундай анъанавий мотивлар қаҳрамонларнинг ишқидул қиёфаларига эга оригинал образлар эканлигини иноъат этмайди. Ғоявий мазмун тарихий ва баъвий юксалишнинг қимматини белгиловчи асосий хусусиятларидир.

Достон тўй ва баъзлар, улумлар ва урф олавлар турли маросимлар тасвирига кенг ўрин берилган. Инсонга хос энг тераи ва поэтик ички кечинмалар (инсоннинг орзу-армонлари, қувончли ва қайғули олавлари, таҳликали даврдаги рухий тўлкинлари чуқур психологик таҳлил қилинади).

Қўринадикки, туркий халқлар эпосларининг ўзаро мунозараси ва айрича томонларини ўрганиш таржима амалиётига бевосита дахлдор масалалар.

Ушбу мақолада «Қирк қиз» достонининг ўзбек туркман ва қозок тилларига таржималари ҳақида кўзга бўлса-да сўз юритишни ниъат қилдик. Кейинги ишқларимизда эса қардош тиллардан эпос таржимаси муаммоларини: таржиманинг баъдий тили, услуби, образларга хос турғун белгилар ва уларнинг поэтик оламга поэтик тасвир воситаларининг берилиши, сюжет ва композициянинг мукамал сакланиши, анъанавий мотивларнинг ифодаланиши, персонажлар таъкидда ишонч-этиқодларнинг акс этиши, миллий-тарихий колоритнинг қайта яратилиши, эшик баён усули ва контекстуал ёндашув тамойиллари сингари масалаларни кенг қўламда ёритишни мақсад қилганмиз.

Асосийси, фольклор асари бўлган мазкур эпос ўзбек, қозок вақ туркман таржимонларининг улкан хизматлари туфайли ўз миллий ёзма адабиётининг ҳам маҳсулига айланди.

АДАБИЁТЛАР

1. Ғ. Саломов, Т. Бобоев Туркий тиллардан таржима қилиш проблемасига доир. Таржима санъати. — Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973.
2. З. Салимова. «Қирк қиз» - ўзбекча оҳангларда. Таржима санъати. — Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.
3. Р. Бердибоев. Достык кемесинде// Алматы: Қазақстан, 1976.
4. З. Исомилдинов. Туркий эпос ва таржима масалалари. — Тошкент: Университет, 1995.
5. К. Аймбетов. Қорақалпоқ фольклори. Нукус, 1977, 13-бет.
6. Протоколы заседаний и сообщений членов Закаспийского кружка любителей археологии и истории Востока. Ашхабад. 1916 г., выпуск 4.

В настоящей статье рассматриваются некоторые проблемы переводов эпических произведений, в частности, каракалпакского эпоса «Кырык кыз» на родственные языки.

The article deals with some problems of translation of epic works, specially, the Karakalpak epos «Forty warrior Girls» into relative languages.

РЕЗЮМЕ

SUMMARY

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ЯШАБ ЎЗБЕК ТИЛИДА ИЖОД ҚИЛАЁТГАН ШОИРЛАР ЛИРИКАСИНING ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Г. Қураμβоева

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Тарихдан маълумки, ўзбеклар ва қорақалпоқлар Қорақалпоғистон заминидан қадимдан ёнма-ён, аралаш истиқомат қилиб келаётган елкадош халқлардир. Уларнинг ижтимоий тақдири, тарихи ва адабиёти ҳам бири-бирига яқин, тиллари ҳам ўхшаш. Анъаналари ва урф-одатларида муштаракликлар кўп. Бу фикримизнинг тасдиғи учун хоҳлаганча мисоллар келтира оламиз.

Адабий алоқаларимиз тарихи ҳам мозийга бориб уланади. Бу ҳақда кўп гапириш, ёзиш ҳам мумкин. Бирок бу алоҳида мавзу. Тадқиқотимиз Қорақалпоғис-

тонда яшаб ўзбек тилида ижод қилиб келаётган айрим шоирлар адабий фаолиятини ўрганиш бўлғач, бу мавзунини четлаб ўтишга мажбурмиз.

Ўзбек ва қорақалпоқ халқлари фақат ҳаётда эмас, адабиётда ҳам тақдирлари туташ. Бир адабий муҳитдан нафас олади, бир адабий жараёнда қалам тебратлади, бири-бирига устоз, шогирд. Улар қорақалпоқ адабиётининг юксалиши учун бирга ижодий меҳнат қилди. Шу фикрдан келиб чиқиб, уларни икки адабиётга тенг хизмат қилиб келаётган ижодкорлар дейиш мумкин. Чун-

ки, улар орасида асарлари туфайли Қорақалпоғистондаги эмас, Ўзбекистонда ҳам танилган адиблар бор. Гулистон Матёкубова, Гулчехра Раҳимова, Аҳмад Оқилзаров, Янгибой Қўчқоров, Назира Матёкубова каби шайхон ижодкорлар шулар жумласидандир. Уларнинг таниқли китоблари Қорақалпоғистон ва Ўзбекистон нашриётларида қорақалпоқ, ўзбек ва рус тилларида чоп этилиб, илмий адабий жамоатчилик назаридан муваффақиятли ўтди.

Асарлари ўзбек ва қорақалпоқ адабиёти ва адабиётшунослигида эътироф этилган истеъод соҳибаларидан бири Қорақалпоғистон Республикаси халқ шоири, Бердақ номидаги давлат мукофоти соҳибдори Гулистон Матёкубовадир. Илк сўзимизни шу ижодкордан бошламоқчимиз. Г.Матёкубова Қорақалпоғистондаги ўзбек тили ижодкорларининг сардори, энг фаоли, танилган адиба. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистоннинг атоқли сўз усталари, адабиётшунос-танқидчиларининг мақодалари ва тақризларида, расмий чиқишларида шоира ижодини юксак баҳолаш фикримизга неботдир. Агар шоиранинг биргина «Қайтмоқ учун кетмоқдаман» (1) китобининг охирироғига киритилган «Хатлар, тақризлар, суҳбатлар» руқини остида берилган туркум мақодалар билан танишсангиз, бу эътирофнинг тўғрилигига яна бир бор иқроф бўласиз. Жумладан, Зулфия, Тўлепберган Қайиберганов, Ибройим Юсупов, Омон Матжон, Қутлибека Раҳимбоева, Норбой Худойберганов, Бахтиёр Назаров, Қобил Мақсетов, Камол Мамбетов (бу ижодкорлар ва олимларнинг ўзбек ва қорақалпоқ адабиёти ва адабиётшунослигида қандай обрў-эътиборга, бадий-илмий салоҳиятга эгаллигини изоҳлаш шарт бўлмаса керак) в.х.ларнинг мақола, тақриз ва суҳбатларида Г.Матёкубованинг бадий маҳоратига, ўзбек ва қорақалпоқ адабиёти равиқини йўллага меҳнатига юқори баҳо берилган. Билдирилган фикрлар, ижобий баҳолар, шунчаки, бировнинг кўнгли учун айтилган эмас. Агар шоир ёки ёзувчининг ўзида қатта истеъод, асарларида китобхонни сеҳрлайдиган қуч бўлмас экан, мақтов қим ва қандай номдор адиб томонидан айтилмасин, барибир илмий-адабий жамоатчилик назаридан четда қолаверадди. Г.Матёкубованинг шеърий ва насрий асарларига инебатан айтилган ижобий фикрлар эса асосли, заминни мустаҳкам. Сабаби, чиндан ҳам у талантли шоира.

Г.Матёкубова сермахсул ва кўп қиррали адиба, адабиётини бир неча жанрларида барабар асар ёза олиш қобилигига эга. У ҳозиргача ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида йигирмадан зиёд китоб чиқарди. Шоиранинг «Ойдин остана», «Хаяжоннинг етти ранги», «Севиб қолсин», «Юрак билан юзма-юз», «Мен сен учун яшайман» шеърий тўпламлари мавзу доирасининг кенглиги, фикрларининг ҳаётини ва теранлиги, туйғуларнинг табиий ва ҳаяжонга бойлиги билан ўқувчига завқ беради, қалбини ром этади. Муаллифнинг мустақиллик йилларида яратган «Излаганларим» (2) тўплами ва айниқса, «Дарёга ботаётган қуёш» ва «Зиёга ботаётган дарё» (3) достонлари шоира ижодининг етук намуналаридир. Икки достон ҳам ижтимоий тарихий руҳи, қолорити, мозий картинасини, тарих қатламларидаги сир-асерини, улуғ ажлодларимизнинг қалб индоларини бузунги ўқувчига етказишда маънавий манбалардан бири вазифини ўтайди.

Г.Матёкубова Қорақалпоғистон фарзанди. Шу заминда вояга етиб, қамол топди. Илк ижоди ҳам шу

муҳитдан бошланди, ривожланди, шаклланиб бузунги даражага етди. Шоира ижодининг бақувват илдиэларидан бири шу адабий-бадий муҳитдан «озикланиб» келмоқда. Айтмоқчимизки, Г.Матёкубова шеъриятида, умуман, барча асарларида қорақалпоқ ҳаёти, халқининг тақдирини бадий ёритиш асосини урида туради. Тарихий мавзуда асар ёзгани, ёки замонавий мавзуда муружаат этагани, жанридан қатъи назар, қорақалпоқ ҳаётининг бирон саҳифасини тасвирлашни унутмайди. Унинг Орол ҳақидаги туркум шеърларини, «Ой болдоқ» достонини, «Гулбойим» опера-либреттосини, «Қиторда норинг бўлса» драмасини, машҳур хайқалтарош Жолдасбек Қуттимурадов ҳаёти тасвирланган «Қайтмоқ учун кетмоқдаман» номли бадий публицистикасини ёки «Жайхун ёқасида ўстан бойтерак» (4) мақолалар мажмуасини қуз олдинига келтириб кўринг. Улар қорақалпоқ халқининг маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий ҳаётининг бадий кўйуларидир. Асарлар гўё қорақалпоқ ижодкори қалами билан ёзилгандек таассурот қолдиради. Бошқа бирор ўзбек ижодкори Қорақалпоғистон заминини, ижтимоий-сиёсий муҳитини, одамлари, табиати тўғрисида худди шундай қолоритли асарлар ярата олгани жуда қийин бўлса керак. Г.Матёкубова ижоди, айниқса, шеърияти маҳаллий-миллий қолоритнинг устиворлиги, конкрет замон ва замин руҳини қалбдан ҳис қилиб, реалистик тасвирлашни билан ўзига ҳосдир.

Ўз ҳаётини, ижодий фаолиятини Қорақалпоғистон билан изчил боғлаб бадий асар ёзиб келаётган яна бир шоира — Қорақалпоғистон Республикаси халқ шоири Гулчехра Раҳимовадир. Мана, ўттиз йилдан ошдики, у ҳам Қорақалпоғистонда яшаб ўзбек тилида ижод қилиб келмоқда. «Ишонч», «Юпанч», «Меҳрибонлик», «Тўртқўл баҳорин», «Жон фидо» шеърий ва насрий китоблари Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон нашриётларида босилди. Мустақиллик йилларида чоп этилган «Жон фидо» (5) шеърлар тўплами шоиранинг ижодий ютуқларидан бири. Шеърлари самимий, туйғулари ранг-баранг, лирик қаҳрамоннинг атроф-муҳитга муносабати, қайфияти талқинида ҳаётиниқ уфйриб туради. Унинг ижодида қорақалпоқ мавзусига бағишланган асарлар туркуми мавжуд бўлмаса-да, лирикасининг умумий руҳида замин қолоритини ҳис қилиш мумкин. Муаллифнинг «Туташ тақдирлар», «Орол», «Орол учун» каби шеърларида икки халқ қиёмати, Орол муаммоси билан боғлиқ айрим масалалар кўтарилган-ки, бу ҳам она Ватанга салокатнинг бир кўринишидир.

Янгибой Қўчқоров шоирликда ҳам, муҳбирликда ҳам фақат Қорақалпоғистонда эмас, Ўзбекистонда ҳам танилган, шеърий ва насрий асарлари, бадий публицистик китоблари туфайли ўқувчилар назарига тушган, ўзбек тилида самарали ижод қилиб юрган Қорақалпоғистонлик қалам аҳлилардан бири. Ижодкор сифатида бу қаламқашнинг бошқалардан фарқ қиладиган томони шундаки, у адабиётнинг қайси жанрида асар ёзмасини, мавзунини Қорақалпоғистондан танлашга, шу элнинг инсонларини махэ этишга, реалистик образларини чиқишга ҳаракат қиладди. Шунинг учун бўлса керак, Я.Қўчқоровнинг асарларидаги қатта-кичик тасвирлар, поэтик ифодалар, энг майда деталлардан ҳам қорақалпоқ заминининг нафасини ҳис қилиб турасиз. Бу ҳуеуенят, айниқса, муаллиф шеърларидаги лирик

кахрамонларнинг ички мушоҳадаларида, поэтик образлар талқинида яхши аке этган. Я.Кўчкоровнинг «Аерларнинг армони», «Отажоннинг олтин сози» (6) тўпламларидан ўрин олган шеърлар, хусусан, ўзбек мумтоз кўшикчилигининг сардорларидан бири Отажон Худойшукуровка бағишланган дoston, қорақалпоқ заминидан чиққан машҳур инсонлар образини яратишдаги янгиллик бўлди. Айниқса, «Қўнғиротнома»⁷ дostonи шоир лирикасида олға ташланган ижодий қадамдир. Дostonда Қўнғиротнинг узок ва яқин ўтмиш тарихида ўтган номдор инсонларнинг фаолияти, алғов-далғовли воқеалар диққат қилинади. Муаллиф Қўнғиротнинг мустақиллик йилларидаги ҳаётига ҳам назар ташлайди, унинг равиқига ҳисса қўшган ва қўшаётган фидоний инсонлар ҳақида илҳом билан ёзади. «Қўнғиротнома»ни ўқиган ўқувчи Қорақалпоғистоннинг қадимий қалъаларидан бўлмиш Қўнғиротнинг тарихи ва бугуни тўғрисида етарли маълумотга эга бўла олади.

Қорақалпоғистон тарихида из қолдирган машҳур қалъаларни ўрганиш сўнгги йилларда Я.Кўчкоров бадний-публицистик ижодининг етакчи мавзуларидан бирига айланди. У Қўнғиротдан ташқари бир неча йилдан бери, Қорақалпоғистон худудидаги баъзи қалъаларнинг тарихи билан шуғулланиб келади. Масалан, у Тўрткўл, Беруний, Эллиқалъа туманлари тарихини ўрганиб чиқди ва ҳар бир туманга алоҳида бадний-публицистик китоблар бағишлади, бошқача айтганда, туманларнинг илмий-бадний солномасини яратди. Қорақалпоғистонда яшаб ўзбек тилида ижод қилаётган шоирлар фаолиятида бу йўналишда салмоқли бадний асар ёзилмаганини инобатга олсак, Я.Кўчкоровнинг бу соҳадаги саъй-харакатлари, ижодий меҳнати қанчалик илмий ва амалий аҳамият касб этиши ўзингизга маълум. Бу ҳам ижодкорнинг ўз Ватанига, она юртига хизматининг, садокатининг ўзига хос намоёнидир. Ана шундай Ватанга меҳр ва садокатининг навбатдаги бадний ифодаси унинг Тошкентдаги “Янги аср авлоди” нашриётида chop этилган “Ун тўққиз доvon дostonи” (8) (2010) дир. Асар мустақиллигимизнинг 19 йиллигига бағишланиб ўтказилган танловда галиб деб топилгани ва тақдирлангани дostonнинг қай даражада бадний салоҳиятга, аҳамиятга эгаллигидан далolat беради. Бу асар муаллифининг шеъриятда олға ташланган яна бир янги қадами бўлди.

Қорақалпоғистонлик ўзбек ижодкорлари тўғрисидаги фикрларни давом эттириб, яна бир қатор шоирлар фаолиятига шарҳ бериш мумкин эди. Масалан, А.Оқназаров, Н.Матёкубова (9), З.Ишманова, М.Юсупова (10), Ф.Ёқубов, М.Аҳмедов, Х.Абдусодиқ, Ж.Шамуратов, З.Нурумбетова, Ш.Йўлдошева, З.Давлатова, Қ.Юнусова ва бошқа қалам аҳли ҳам борки, улар ҳам Қорақалпоғистонда яшаб, ўзбек тилида (баъзилари ҳам ўзбек, ҳам қорақалпоқ тилида) ижод қилиб келмоқда. Шеърлари Ўзбекистон ва Қорақалпоғистоннинг газета-журналларида мунтазам босилиб туради, баъзилари Тошкентдаги, айримлари Нукус нашриётларида бир неча шеърини тўпламларини ҳам босириб чиқарди. Тилга олинган ижодкорларнинг кўпчилиги Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон ёзувчилари уюшмаси аъзолари. Улар эълон қилган барча асарлар, китоблар юксак баднийят намуналари бўлмаса-да, ҳар бирида Қорақалпоғистон воқелиги, қорақалпоқ ҳаётининг баъзи саҳифалари аке этганки, бу жараёни ижобий ходиса деб ҳисоблаймиз.

Қорақалпоғистонда яшаб ўзбек тилида ижод қилиб келаётган шоирларнинг асарлари юзасидан юқоридан

айтилган мулоҳазалар улар лирикасининг ўзига хослиги бўйича айрим худосалар чиқаришига асос беради. Ёнинг фикримизча, Қорақалпоғистонлик ўзбек тилида ёзилган шоир ва ёзувчиларнинг асарлари Ўзбекистонини бошқа худудларида яшаб ижод қилаётган адибларнинг асарларидан кўнралиги жиҳатлари билан фарқланади.

1. Қорақалпоғистонда яшаб ўзбек тилида ёзилган ҳар бир ижодкор, биринчи талва, мавзунини шу амин ҳаётидан таништи ҳаракат қилади. Тарихий материалга мувожаат эътибор, ёки замонавий мавзудан ёзилган режалаштирадими, табиатини қаламга олаётган кўнрача қорақалпоқ ҳаётини тасвир объектлари олади.

2. Қорақалпоқ ҳаётдан ёзилган асарларда шу аминнинг қолорити, миллий ўзгачилиги, урф-одатлари инсонларнинг руҳий олами, характер белгилари, табиатига хос бетакрор ранглар, бошқа регионлардаги ҳеч бир ўзбек ижодкорига ўхшамайдиган шакл ва мазмунда ифодаланади.

3. Қорақалпоғистондаги ўзбек ва қорақалпоқ ижодкорлари бир адабий муҳитдан нафас олади, оинқиллади, бир-бирининг тажрибаларидан баҳрамани бўлиб ижод этади. Устоз-шоғирдлик аънаъаси бадний маҳоратини чиниқиб, шаклланиб боришига ижобий таъсир қуратади, мукамал асарлар битишига илҳомлантиради.

4. Қорақалпоғистонлик ўзбек тили ижодкорлар қорақалпоқ тилини яхши билади. Бу ҳақ уларга қорақалпоқ адабиётининг подир асарларини аёл нуҳасида ўқиш имконини беради. Ўқиган асарларидаги бадний шакл ёки мазмундаги бирор хусусият, озми-қунми дунёқарошига сингиб қолган бўлади. Ижодкор бирини асар ёзаётганда хотирасига ўтириб қолган ўша воқеани ёки бирор бадний компонентни асарига қўшиб юборганини баъзан ўзи ҳам сезмай қолгани мумкин.

5. Ижодкорларнинг икки тилини — ўзбек ва қорақалпоқ тилларини яхши билиши ўзбек адабиётини қорақалпоқ тилига, қорақалпоқ адабиётини ўзбек тилига бадний таржима билан шуғулланиши учун қулай имконият. Бадний таржима ҳар бир ижодкор учун ўқиш, ўрганиш, талантини чиниқтириш маъносидан маҳорат мактаби эканлиги тажрибадан маълум. Ё жараён Қорақалпоғистонлик ўзбек ижодкорлари учун ҳам шу вазифани бажаради.

6. Ўзбек тили ижодкорларининг Қорақалпоғистон мавзусидаги асарлари, яратилган бадний образлар мазмун ва дostonлар туркуми, амалга оширилган таржималар қорақалпоқ-ўзбек, ўзбек-қорақалпоқ адабий алоқалари ривожига қўшилган ҳиссадир. Ижодкорларнинг бу жараёндаги интилишлари, қорақалпоқ шоирлари ва ёзувчилари билан елкадош, ҳамқору ҳамнафас қорақалпоқ адабиётининг янада тез суръатлар билан ривожланишига имкон қадар ҳисса қўшиб келаётгани ижобий ҳодисадир.

Қорақалпоғистонда яшаб ўзбек тилида ёзиб юрган муаллифлар асарларининг ўзига хос хусусиятлари юқоридан тилга олинган мезонлардангина иборат эмас, албатта. Бу жараёни чегаралаб бўлмайдими, у жуда серкирра, ҳар қайси ижодкорда ҳар хил шакл ва мазмунда намоён бўлиши табиий. Ёзувчи услубининг турли-туманлиги, асардаги бадний компонентларнинг ранг-баранглигини келтириб чиқаради. Лекин қандай бадний услуб, қайси ифода усули қўлланилмасин, барибир ўша асардан тасвир объектининг руҳи, ҳаётининг нафаси, айтайлик, қорақалпоқ заминига алоқадор, одамларига хос маҳаллий-миллий шароит белгилари сезилиб турмоғи лозим. Қорақалпоғистонлик ўзбек тили ижодкорлар бу маъсулдиятли вазифани муваффақиятли уддалаб келмоқда десак тўғри бўлар.

Қорақалпоғистонда яшаб ўзбек тилида, турли адабий жанрларда асарлар ёзиб келаётган шоир ва ёзувчилар ижодини яхлит ҳолида ўрганиш масаласи адабиётшунослигимиз эътиборидан четда қолиб келаётганини айтиб ўтишимиз зарур. Зеро, Қорақалпоғистондаги ўзбек тилида ижод қиладиган шоирлар, ёзувчилар қорақалпоқ миллий адабиётининг тараккиёти, юксалиши учун бирдек меҳнат қиладилар, ижодий тақдирини шу адабиёт билан боғлаб ёздилар. Қорақалпоқ адабиётининг обрўён учун уларини маъсул санайдилар, ютуқларидан қувонади, бадний нэвланишларда, адабий жараёнининг бирор йўналишида камчиликлар кузатилгудек бўлса, уларни бартараф этиш учун барабар қайгуради, муаммоларини хал қилишида бирга иштирок этишга иштилади.

Шундай экан, Қорақалпоғистондаги ўзбек тили ижодкорлар фаолиятини қорақалпоқ адабиётининг тараккиёти кесми сифатида, унинг умумий тараккиёт оқими билан боғлаб ўрганиш, махсус илмий тадқиқотлар яратиб зарурати пайдо бўлмоқда. Агар бу масала илмий аспектда ўрганилиб, қаришлар умумлаштирилса, салмоқли фикрлар аниқлиб, тадқиқотлар, китоблар яратилса, қорақалпоқ адабиётининг тараккиёт даражаси белгиланиб, байналмиллатчилик хусусини ҳам намойиш этилган бўларди. Ўзбек ва қорақалпоқ адабиётшунос олимлари бу долзарб масалани эътибордан туширмадиларини истаймиз. Ушбу мақоламизга келсак, у мавзунини ўрганишдаги дастлабки уриниш, биринчи илмий тажриба, илк қадам. Мавзунини чуқур, изчил ва апрофитча илмий тадқиқ этиш, келажакнинг вазифасидир.

АДАБИЁТЛАР

1. Г.Матёкубова. Қайтмоқ учун кетмоқдаман. Нукус, «Қорақалпоғистон», 2007 й., 230-315-бетлар.
2. Г.Матёкубова. Излаганларим. Тошкент, «Ёзувчи», 2000 й.
3. Г.Матёкубова. Қалб зурраёти. Нукус, «Қорақалпоғистон», 2004 й., 96-310-бетлар.
4. Г.Матёкубова. Өмиў жағасида оскен байтерек. Нукус, «Қорақалпоғистон», 1994 й.
5. Г.Раҳимова. Жон фидо. Нукус, «Билим», 2001 й.
6. Я.Қўчқоров. Отажоннинг олтин сони. Тошкент, «Университет», 2004 й.
7. Я.Қўчқоров. Қўниротнома. Тошкент, «Янги аср авлоди», 2006 й.
8. Я. Қўчқоров. Ўн тўққиз давон достони. Тошкент, «Янги аср авлоди», 2010 й.
9. Н.Матёкубова. Тоғлар ишки. Тошкент, «Янги аср авлоди», 2008 й.
10. М.Юсупова. Муҳаббат йўли. Тошкент, «Янги аср авлоди», 2006 й.

РЕЗЮМЕ

В статье исследуются особенности творчества поэтов и писателей, проживающих в Каракалпакстане и пишущих свои произведения на узбекском языке.

SUMMARY

The article is devoted to the research of works of poets and writers living in Karakalpakstan but writing in Uzbek language.

СОХТА ЭКВИВАЛЕНТ ВА ТАРЖИМА

(Махтумқули шеърларининг ўзбекча таржималари мисолида)

Ф.Д. Сапаева

Ажинийёз номидаги Нукус Давлат педагогика институти

Таржимашунослиқда “таржимоннинг сохта дўстлари”, “ёлғончи сўзлар”, “алдоқчи сўзлар” номлари билан юритиладиган сохта эквивалент деган тушунча мавжуд. “Шаклан ўхшагани билан маънолари бир-биридан жиддий фарқ қиладиган сўзлар сохта эквивалентлар деб қабул қилинган” (1). Бу тушунча XIX аср охирида илк бор тилга олинади. XX аср бошларида жиддий ўрганила бошлади. Француз луғатшунослари М.Кеслер ва Ж.Дерокини биринчи марта “Инглизча-французча таржимоннинг алдоқчи дўстлари” деган луғат тузган эдилар. Кейинчалик бу тил ходисасини ифода этиш учун бошқа терминлар ҳам пайдо бўлди. “Тиллараро омонимлар”, “тиллараро аналогизмлар”, “оҳанглош сўзлар”, “алдоқчи сўзлар” ва бошқалар шулар жумласидандир (2). Ўзбек таржимашунослигида улардан “алдоқчи сўзлар” термини ўзлашди дейиш мумкин.

Биз ушбу мақоламизда яқин қардош тиллардан таржиманинг асосий муаммоси ва энг кўп учраши жиҳатидан, Махтумқули шеърларининг ўзбек тилига таржималарида сохта эквивалентларни қисқа тадқиқ этдик. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, М.Тайлақова ва М.Сапаровлар Махтумқули шеърлари таржимасини тилшунослик аспектида текширганлар (3), биз эса адабиётшунослик аспектида ўрганмоқчимиз.

Махтумқули шеърлари таржималари ҳозиргача яхлит монографик тадқиқот объекти бўлган эмас. Шоир

шеърларининг Ж.Шарипов томонидан қилинган таржималари хусусида бир неча мақолалар ёзилган (4), айрим дарслик ва рисодаларда улар хусусида мухтасар фикр юритилган (5), холос. Бинобарин, бу таржималар тўла ҳолида тадқиқот доирасига тортилган эмас. У таржима қилган мавжуд 314 та шеърни туркманчасига қисқаб ўрганиш натижасида сохта эквивалентлар борасидаги хато-камчиликлар ушбу мақола ва китобларда қайд этиб ўтилганидан анча-мунча қўплиги маълум бўлди. “Ўзбек ва туркман тилларидаги шаклан ўхшаш, аммо мазмунан турли маъноларни аниқлаган лексик бирликлар таржимонни кўп ўринларда қалғитади. Таржимон Махтумқули асарларини ўзбек тилига ағдарар экан, туркий тиллар группасига мансуб бўлган ўзбек ва туркман тилларининг муштарак томонларига (фонетик-морфологик, лексик хусусиятлари) кўпроқ таяниб, кўп микдордаги сўзларнинг шаклдаги ўхшашлигига асосланиб, сўзма-сўз таржимага зўр берган. Натижада шоир шеърларининг маъносига нутур еган” (6).

Кўп таржимонлар “беваж” сўзини таржима қилмай, айнан қолдиришади. Туркман тилида “бивеч” — йўлдан озган, гумроҳ, бузук, фосик, саёк, ярамас, қўлдан иш келмайдиган, бир пулга қиммат одам каби салбий маъноларда қўлланади. Ўзбек тилида эса “бирор сабаб, асос бўлмагани ҳолда; важиз, сабабиз” маъ-

MAZMUNI

Базарбаев Ж. Исбилерменлик — парафан турмыс тиреуи 3

ТӘБИЯТ ХӘМ ТЕХНИКАЛЫК ИЛИМЛЕР

Математика, физика, техника

Тлеумуратов С.Ж., Кошкарбаева Р.М. Свойства трипотентов на гранево симметричных пространствах 7

Нирекеев Б.М., Мырзанова Д.Е. Об одном интегральном представлении функций от матриц 9

Кайпов Б. Аса откизгишликтин ашылыу тарихы. (Аса откизгишликтин жүз жыллыгына) 11

Турманов И. Метод исследования микропористости хлопковых волокон разной зрелости 12

Турманов И. Исследования микропористости хлопковых волокон разной зрелости 13

Turdanov K., Palwanova A., Nizamatinova G'. Fizika sabag'ında turmis ta'jiriyelerinen paydalanıw 15

Биология, экология, география

Алламуратов Б., Реймова Е., Алламуратова З., Алламуратова Г. Хәзирги экологиялык жагдайларда Әмиүдәрьяның төменги агысындагы сазан балыгының патоген бир клеткалы паразитлери хаккында жана мағлыұматлар 17

Шербасев Б.Ш., Базарбаева Г.Б., Төренизова Ә.Т. Жабык тукумлы өсимликлердин филогенетик системасы бойынша ири таксонлардын классификациясы 18

Өтенова Ф., Каратаев А., Тамамбетова Ш. Республика аймағында суу корғау зоналарының әхмийети 21

Kospazayev K.A., Dosmag'anbetov S., Urmiyazov M.J. Ot-Jemnin' mol bolıwı — sharwashılıqtı rawajlandırıwdın' baslı tiykap 22

Медицина

Мамбетов Ж.М., Мамбетов А.Ж. Начало и становление педиатрической службы в Каракалпакстане. 24

ЖӘМИЙЕТЛИК ХӘМ ГУМАНИТАР ИЛИМЛЕР

Экономика

Умаров Е.К., Умарова А.Е. Жәхән глобал экономикасының раўажланыўында халықаралық экономикалық байланыслардың роли 26

Қудияров К.Р., Бекбосынов А.Қ. Мәмлекет бюджетин қәлипестириўде салықлардың орны 29

Habibullaeva J., Abdulikova M. Davlatimiz qishloq xo'jaligini rivojlantirishda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni takomillastirish yo'llari 31

Daljanova Z. Awıl-xojalıg'ı reformaların jetilistiriwde agrobiznestin' a'hmiyeti 32

Философия

Maqsetova M. Ga'rezsizlik ha'm ja'miyettin' jan'alaniw protsesleri 33

Сейтназаров Р. Руўхый пәкленіу - турмыстың талабы 35

Абаев С. Динтаныў пәнин оқытыўдың тийкаргы илимий-методологиялык принциптери 37

Sultanov A. Qaraqalpaq poeziyasında filosofiyalıq oy-pikir 39

Saparova G. Diniy ken'peyillik - qa'driyatlar deregi sipatında 41

Тарих

Мамбетуллаев М. Куюк-кала - раннесредневековая столица Кердера 42

Турганов Б.К. Хоразм иктисодий хәтнининг ёзма манбаларда акс эттирилиши (X-XIV асрлар) 44

Sevdametova G., Yusupov O. Xo'ja eli — karvon yo'llari guzari 48

Утеминов А.А. «Путешествие из Оренбурга в Бухару» Е.К.Мейендорфа как исторический источник по рыболовству каракалпаков 51

Юсупов О., Каландаров У. Қорақалпоқ Автономия Вилюятининг тузилишида Алляяр Досназаров ва Ораз Ермановнинг хизматлари ва ўрни (XX асрнинг 20 йиллари) 52

Esnazarova Z. No'kis qalasinin' sotsial-ekonomikalıq rawajlanıwının' geypara ma'seleleri (1991-1996 jillar) 55

Әдебияттаныў

Базарбаев Ж. Әжинияз шайырдың туўылған сәнеси хаккында бирер сөз 57

Raxmatdinov A'. Milliy a'debiyat, ma'deniyyat tariyxinin' rawajlanıw jolları ma'seleleri 58

Алламбергенов К. Ғәресизлик дәуири каракалпақ әдебияттаныў илими менен әдебий сынының дәзирги халаты хәм алда турған айырым әхмийетли мәселелери 60

Eshniyazova E.N. T.Ma'tunuratovtin' rosmalanı haqqında 66

Qulaybekova Z. G'a'rezsizlik da'wiri qaraqalpaq gu'ttin'lerinin' ko'rkem til o'zgeshelikleri 67

Дильманов И. Қорақалпоқ эпоси «Қирк киз» ва туркий тиллараро таржимачилик масалалари 68

Қурамбосева Г. Қорақалпоқистонда яшаб ўзбек тилида ижод қилаётган шоирлар лирикасининг ўзига хослиги 70

Сапаева Ф.Д. Сохта эквивалент ва таржима (Махтумқули шеърларининг ўзбекча таржималари мисолида) 73

Әшчанов Х. «Тулумбий» достонидаги анъанавий мотивлар 74

Қурамбосев К. Чиндан хәм, баъзи дарсликларни қайта ёзиш зарурати борга ўхшайди 77